

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 06/29.10.2021.V.139.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

*Хизматда фойдаланиш учун
№ ____ нусха*

ФАЙЗИЕВ УЛУҒБЕК МУРОДУЛЛАЕВИЧ

**ҲАЙВОНЛАР ТУБЕРКУЛЁЗИГА ҚАРШИ КУРАШ ВА ОЛДИНИ
ОЛИШНИНГ ЯНГИ УСЛУБ ВА ВОСИТАЛАРИ**

**16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси,микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2025

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по ветеринарным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on veterinary sciences**

Файзиев Улуғбек Муродуллаевич

Ҳайвонлар туберкулёзига қарши кураш ва олдини олишнинг янги услуб
ва воситалари.....3

Файзиев Улуғбек Муродуллаевич

Новые средства и методы для борьбы и профилактики туберкулёза
животных23

Fayziyev Ulugbek Murodullayevich

New methods and means of combating and preventing animal
tuberculosis.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published woks.....47

**ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD 06/29.10.2021.V.139.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ВЕТЕРИНАРИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

*Хизматда фойдаланиши учун
№ ____ нусха*

ФАЙЗИЕВ УЛУҒБЕК МУРОДУЛЛАЕВИЧ

**“ҲАЙВОНЛАР ТУБЕРКУЛЁЗИГА ҚАРШИ КУРАШ ВА ОЛДИНИ
ОЛИШНИНГ ЯНГИ УСЛУБ ВА ВОСИТАЛАРИ”**

**16.00.03 – Ветеринария микробиологияси, вирусологияси, эпизоотологияси,
микологияси, микотоксикологияси ва иммунологияси**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд-2025

Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/V120 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ветеринария илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.viti-rasmiy.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мамадуллаев Гулмурод Хамидович
ветеринария фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: Хамдамов Хабибуло Аблоқулович,
ветеринария фанлари доктори, профессор
Улуғмуродов Азамат Даминович,
ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори, катта
илмий ходим

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат тиббиёт университети


Диссертация ҳимояси Ветеринария илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 06/29.10.2021.V.139.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «19» 09 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 141500, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Чароғбон МФЙ, Янги Тойлоқ 1 қишлоғи 67 уй. Тел.: (+99866) 666-56-30; факс:(+99866) 666-56-76; e-mail: nivi@vetgov.uz)


Диссертация билан Ветеринария илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4727 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 141500, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Чароғбон МФЙ, Янги Тойлоқ 1 қишлоғи 67 уй. Тел.: (+99866) 666-56-30; факс:(+99866) 666-56-76; e-mail: nivi@vetgov.uz).

Диссертация автореферати 2025 йил «03» 09 кuni тарқатилди.
(2025 йил «03» 09 даги №24 -рақамли реестр баённомаси)




Б.А.Элмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, вет.ф.д., профессор.


Ф.С.Пулотов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, вет.ф.ф.д., катта илмий ходим


М.А.Рузимуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, вет.ф.н., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг қарийиб барча давлатларида қорамолчилик билан шуғулланадиган хўжаликларда туберкулёз қайд этилиб, атроф муҳит учун жиддий экологик хавф туғдирмоқда, чунки «Қорамолларда туберкулёз касаллигининг кўзгатувчиси (*Mycobacterium bovis*) тупроқда 2-7 йил, парранда тури (*Mycobacterium avium*) 9,5 йил яшай олади, касалланган қорамолларда ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига, сут ва гўшт маҳсулотларининг камайишига, репродуктив функцияларнинг бузилиши хатто ҳайвонларнинг нобуд бўлишига олиб келади»¹. Шу сабабли, ушбу касалликни қатор давлатлар ва халқаро ташкилотлар уни назорат қилиш ва йўқотиш учун тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Дунё миқёсида озик овқат хавфсизлигини таъминлашда чорвачиликнинг қорамолчилик тармоғини илмий асосда ривожлантириш мақсадида ҳайвонлар туберкулёз инфекциясини тадқиқ қилиш йўналишида касалликнинг жуда кўплаб жабҳалари ўрганилди ва аниқликлар киритилмоқда. Касалликнинг биологияси, асосий эпидемиологик-эпизоотологик қонуниятлари, патогенези, диагностикаси молекуляр-генетик даражада кенг тадқиқ қилинмоқда. Шунинг билан бир қаторда касалликка қарши курашиш учун кўплаб кимётерапевтик комплекс доривор воситалар кашф қилинмоқда. Бу борада илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунинг учун қорамоллар туберкулёзига диагноз қўйиш, қарши кураш, олдини олиш ва даволаш учун тиббиёт ва ветеринария соҳаларида жаҳон бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Туберкулёз – инсонлар саломатлиги учун ҳам жиддий хавф туғдириб, чуқур ижтимоий ва иқтисодий муаммолар келтириб чиқаради.

Республикамизда 2001-2018 йиллар давомида тиббиёт фтизиатриясида туберкулёзга қарши халқаро ДОТС (Directly Observed Treatment, Short-course– бевосита назорат остида қисқа муддатли фаол даволаш курси) дастури фаолият кўрсатди. ДОТС стратегияси асосида туберкулёзга қарши кураш дастурини татбиқ этиш натижасида касалликдан вафот этиш ва касалликка чалиниш ҳолатларини камайтиришга эришилди. Республикамизда туберкулёзга қарши кураш чоралари изчиллик билан амалга оширилиб, бу борада Ўзбекистон ва АҚШ нинг силга қарши курашиш халқаро ривожлантириш агентлиги (USAID) билан ҳамкорлигидаги дастури ҳам муваффақиятли йўлга қўйилган. «Ушбу дастурнинг жорий этилиши асосан туберкулёзга қарши I ва II қатор туберкулостатик препаратларни ўзаро комбинацияда қўлланилишига асосланган. Чунки, туберкулёзни монопрепарат терапиясига охирги йилларда касаллик кўзгатувчи штаммларнинг моно-, би- ва полирезистентлигини ошиши кузатилмоқда. Бу

¹ Жумаш А.С., Саргаскаев Д.Т. Экономическая эффективность противотуберкулёзных мероприятий / Сборник научных трудов КазНИВИ, посвященной 20-летию Независимости Казахстана // Научные исследования в области ветеринарной медицины и их результаты. Том LVII. Алматы 2011, -С. 158-166.

муаммони ечиш мақсадида тадқиқотчилар томонидан туберкулёзга қарши янги комбинацияланган препаратлар мажмуини яратиш бўйича кенг кўламли изланишлар ўтказилмоқда.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида» ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121-сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва озиқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 31 мартдаги ПҚ-187-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида»ги² фармон ва қарорлари ҳамда шу соҳага оид турли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган устувор масалаларни ечишда ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Туберкулёз кўзгатувчисининг маълум бир турдаги ҳайвон организмга эволюцион тараққиёт давомида мослашишига қарамасдан, улар қишлоқ хўжалик, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳамда паррандаларга ва ҳатто инсон организмга миграция қилиши ҳақида қатор хорижлик олимлар, жумладан R.Koch, A.Calmette, C.Guerin, A.S.De Groot, M.A. Espinal, H.H Fox, A.M.Dhople, D.Mitnick, A.Ohkado, M.Shettar, МДХ олимларидан Ю.К.Вейсфейлер, М.М.Авербах, А.Г.Хоменко, Б.Я.Хайкин, Ю.Я.Кассич, Д.Д.Новак, В.П.Шишков, В.П. Урбан, М.А.Сафин, Н.П.Овдиенко, А.С.Донченко, А.С.Жумаш, А.Х.Найманов ва бошқалар томонидан кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилган ва катта аҳамиятга эга бўлган илмий ва амалий натижаларга эришилган. Республикада қишлоқ хўжалик ҳайвонлари туберкулёзининг эпизоотологияси, диагностикаси, қарши курашиш борасида носоғлом фермаларни касалликдан соғломлаштириш бўйича бир неча хил кимёпрофилактика услублари яратилган ва қорамолчилик сут маҳсулот фермаларга жорий этиш бўйича А.Б.Ли, Г.В.Ни, Ф.И. Ибодуллаев, М.Ю.Юнусов, М.Т.Исоқов, О.А.Джураев ва Г.Х.Мамадуллаевлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилган ва катта аҳамиятга эга бўлган илмий ва амалий натижаларга эришилган. XX аср охири ва XXI аср бошланишида ривожланган давлатларда касалликка қарши кураш комплекс чора

² Мирзиёев Ш.М. 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон - 2030» стратегияси тўғрисида»ги фармони.

тадбирларида кимёвий препаратлар комбинациясини қўллаш ёрдамида касалликни олдини олиш ва қарши курашиш усуллари кенг қўлланилган. Бу борада кўпгина давлатлар олимлари томонидан кенг қамровли тадқиқотлар ўтказилган ва бу услуб ёрдамида жуда кўплаб қорамоллар бош сонини туберкулёздан муҳофаза қилишга эришилган.

Туберкулёзга қарши амалдаги кураш йўриқномасига мувофиқ касалликка қарши курашиш фақат ташкилий-хўжалик, ветеринария-санитария, дезинфекция тадбирлари ва ҳайвонларнинг наслилиги, маҳсулдорлигидан қатъий назар туберкулинга реакция берган қорамолларни бартараф қилиб боришга қаратилган. Натижада кўплаб насли маҳсулдор қорамол бош сони йўқотилади. Чорвачилик хўжаликларида қорамолларни туберкулёз инфекциясидан кимёпрофилактика услуги ёрдамида касалликдан асраб қолиш мумкин. Кимёпрофилактика услуги жорий этилиши туберкулёз инфекциясининг инкубацион даври, латент микробизм ва яширин туберкулёзни бартараф қилишда самарали восита бўлиб хизмат қилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ветеринария илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари мавзулари режасининг БВ-И-КХ-2018-6 “Комплекс препарат ёрдамида қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг бактериал касалликларини даволаш услуги ветеринария амалиётига жорий этиш” (2018-2019 йй.), “Республикада қорамоллар туберкулёзининг профилактикаси ва қарши курашишнинг такомиллаштирилган услуб ва воситаларини яратиш ҳамда жорий этиш” (2021-2025 йй.) мавзуларидаги инновацион ва илмий-амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Туберкулостатик препаратларнинг янги комбинацияси ёрдамида ҳайвонлар туберкулёзига қарши кураш ва олдини олишнинг янги услуб ва воситаларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Тошкент вилояти чорвачилик хўжалигида қорамоллар туберкулёзи эпизоотиясининг ўзига хос хусусиятлари ва қарши курашиш чора тадбирларини таҳлил қилиш;

Рифизостреп препаратининг стериллиги, токсик хусусияти ва безарарлигини *In vitro* ва *In vivo* услублар билан ўрганиш;

туберкулёзга қарши янги Рифизостреп препарати комбинациясининг қорамол (*Mycobacterium bovis*) ва одамларда (*Mycobacterium tuberculosis*) туберкулёз чақирувчи штамmlарига қарши антимикроб таъсирини бактериологик услубда синовлардан ўтказиш;

туберкулёз штамmlарига қарши самарали антимикроб таъсир кўрсатган янги комбинацияланган Рифизостреп препаратини денгиз чўчкалари ва қуёнлар организмида қўллашнинг оптимал дозалари, интервали, давомийлиги, қўллаш услуги ва муддатларини тажрибаларда аниқлаш;

туберкулёзнинг *M.bovis №149* ва *M.tuberculosis №7880* турлари юктирилган бузоқлар организмида Рифизостреп препаратининг кимёпрофилактик самарадорлигини ўрганиш;

ишлаб чиқариш шароитида Рифизостреп препарати билан қорамоллар туберкулёзини кимёпрофилактика услубини жорий этиш;

Рифизостреп препарати билан қорамоллар туберкулёзига қарши такомиллаштирилган кимёпрофилактика услубини жорий этиш бўйича тавсиянома ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ВИТИ туберкулёз лабораториясида мавжуд электив сунъий озиқа муҳитлари, кимёвий бўёқлар, 38 бош денгиз чўчқаси, 32 бош қуён, 10 бош бузоқ ва улардан олинган патологик намуналар, Тошкент вилояти Тошкент туманида жойлашган “Меҳнат бахтли сут” МЧЖ сут махсулот фермасидаги 120 бош қорамол, шунингдек кимёпрофилактик воситаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети ВИТИ туберкулёз лабораторияси виварийсида мавжуд лаборатория ҳайвонлари ва бузоқларнинг ички аъзолари, тўқима ҳужайралари, аллергия реакция, патологоанатомик ва бактериологик текширишлар кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларда умумқабул қилинган эпизоотологик, клиник, аллергия, микроскопик, культурал, тинкториал, патологоанатомик, бактериологик, гистологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти чоровачилик хўжалиқларида 2022-2024 йилларда қорамоллар туберкулёзи эпизоотиясининг ўзига хос хусусиятлари, яъни урғочи бузоқлар организмида латент микробизм омилининг мавжудлиги аниқланган;

Туберкулёзга қарши Рифизостреп препаратининг технологик регламенти яратилган;

туберкулёзга қарши Рифизостреп комплекс препаратининг стериллиги, токсик хусусиятга эга эмаслиги ва безарарлиги аниқланди, қўллаш дозалари, услуби, интервали ва схемаси ишлаб чиқилган;

билвосита ва бевосита услубда *in vitro* Рифизостреп препаратининг 1,0% концентрацияси туберкулёз кўзгатувчиларига нисбатан фаол бактерицид таъсир кўрсатиши илмий асосланган;

туберкулёз штамmlарига қарши самарали антимиқроб таъсир кўрсатган янги комбинацияли Рифизостреп препаратини 10 мг/кг дозада денгиз чўчқалари ва қуёнлар организмида қўллаш услуби илмий асосланган;

туберкулёзнинг *M.bovis №149* ва *M.tuberculosis №7880* турлари юктирилган бузоқлар организмида Рифизостреп препаратининг аллергия реакцияга таъсири ва кимёпрофилактик самарадорлиги аниқланган;

илк бор Рифизостреп препарати билан қорамоллар туберкулёзига қарши кимёпрофилактика услуби ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти Тошкент тумани “Меҳнат бахтли сут” МЧЖ чорвачилик хўжалигида 2022-2024 йилларда қорамоллар туберкулёзи эпизоотиясининг ўзига хос хусусиятларига ўрганилди;

технологик регламент асосида Рифизостреп препаратининг тажриба серияси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

рифизостреп комплекс препаратининг стериллиги, токсик хусусиятга эга эмаслиги ва безарарлиги, қўллаш дозалари ва услуби, интервали ва схемаси илмий асосланган;

бактериологик *in vitro* билвосита ва бевосита услубларда Рифизостреп препаратининг туберкулёзнинг *M.bovis №8-03* ва *M.tuberculosis №7880* турларига қарши бактерицид таъсири аниқланган;

туберкулёзнинг *M.bovis №8-03* ва *M.tuberculosis №7880* турларига қарши самарали антимиқроб таъсир кўрсатган янги комбинацияли Рифизостреп препарати денгиз чўчқалари ва қуёнлар организмида қўллашнинг оптимал дозалари, интервали, давомийлиги, қўллаш услуби ва муддатлари аниқланган;

туберкулёзнинг *M.bovis №149* ва *M.tuberculosis №7880* тури юктирилган тажриба ва назорат гуруҳларидаги бузоқлар организмида 5,0 мл/100 кг дозада тери остидан юборилган Рифизостреп препаратининг кимёпрофилактик самарадорлиги аниқланган;

ишлаб чиқариш шароитида Рифизостреп препарати билан қорамоллар туберкулёзини кимёпрофилактика услуби сут товар фермасида 120 бош қорамолга жорий этилди ва чорвачилик фермасининг туберкулёз инфекцияси бўйича соғломлиги таъминланди;

рифизостреп препарати билан қорамоллар туберкулёзига қарши такомиллаштирилган кимёпрофилактика услубини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажрибаларнинг умумқабул қилинган услуб ва воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, бирламчи маълумотларга ишлов бериш ва илмий таҳлил қилиш, олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан тўғри келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан илмий таҳлил қилинганлиги, Ветеринария илмий-тадқиқот институти апробация комиссияси томонидан илмий-тадқиқот ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, чоп этилган Тавсияноманинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент вилояти Тошкент тумани “Меҳнат бахтли сут” МЧЖ чорвачилик хўжалигида 2022-2024 йилларда қорамоллар туберкулёзи эпизоотиясининг ўзига хос хусусиятларига таъриф берилган. Туберкулёзнинг *M.bovis №149* ва *M.tuberculosis №7880* тури кўзгатувчиларига қарши кимёвий махсус препарат яратиш назарияси асосида маҳаллий туберкулостатик воситалардан фойдаланиб янги комбинацияланган Рифизостреп препарат таркиби илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илк бор Рифизостреп комплекс препарати билан туберкулёз микобактериялари кўзгатувчиларига қарши курашиш услуби ишлаб чиқилганлиги, препаратнинг пролонгация ва синергетик хусусияти, бактерицид ва бактериостатик таъсири, патоген касаллик кўзгатувчиларининг препаратга нисбатан чидамлилиги ва сезувчанлиги бўйича маълумотлар олинганлиги ва ветеринария амалиётига илмий асосланган тавсиялар берилганлиги ва жорий этилганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. “Ҳайвонлар туберкулёзига қарши кураш ва олдини олишнинг янги услуб ва воситалари” бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Рифизостреп препаратининг туберкулёз кўзгатувчиларига қарши таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида «Ҳайвонлар туберкулёзига қарши рифизостреп препаратини қўллаш» бўйича услубий тавсиянома ишлаб чиқарилган ва ВИТИ туберкулёз лабораториясида мавжуд 38 дона денгиз чўчкалари, 32 бош қуёнлар ва 10 бош бузоқларда жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 02 июндаги №02/23-389-сон маълумотномаси). Натижада туберкулёз бўйича шартли соғлом ва носоғлом хўжаликларда касалликни олдини олиш, қарши курашиш ва хўжаликка етказиладиган катта ижтимоий ва иқтисодий зарарни олдини олишга эришилган.

Қорамоллар туберкулёзига қарши кимёпрофилактика услуби ишлаб чиқарилган ва илк бор ишлаб чиқариш шароитида Тошкент вилояти Тошкент тумани “Meнnat baxt sut” МЧЖ сут маҳсулот фермасидаги 120 бош қорамолларда жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг 2025 йил 02 июндаги №02/23-389-сон маълумотномаси). Натижада хўжаликларда қорамоллар орасида туберкулёз касаллигини бартараф қилиш муддатларини қисқартиришга ва шартли соғлом қорамолларни касалликдан асраб қолишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ВИТИ апробация комиссияси томонидан, кўриқдан ўтказилиб ижобий баҳоланган, маъқулланган, шунингдек жами 7 та, жумладан 2 та халқаро ва 5 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 та Республика илмий журналларида, 4 та халқаро журналларда нашр этилган. Олинган натижалар асосида 1 та Услубий тавсиянома чоп этилган, 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, олинган натижалар муҳокамаси, хулоса, амалиёт учун тавсиялар,

фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, мавзунинг Республика фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиёт маълумотларининг таҳлили**” деб номланган биринчи боби тўрт қисмдан иборат бўлиб, ушбу бобнинг “Қорамоллар туберкулёзининг эпидемиологик ва эпизоотик муаммолари” деб номланган биринчи қисмида туберкулёзнинг Осиё, Африка, Жанубий ва Шимолий Америка давлатларида касалликнинг одамлар ва ҳайвонлар орасида ўзаро тарқалганлик даражаси ва унинг оқибатида пайдо бўладиган ижтимоий ва иқтисодий муаммолар, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотлари, касалликнинг жиддий иқтисодий ва ижтимоий зарар келтириши ҳақида баён қилинган. ХХI аср бошида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг айрим Республикаларида туберкулёз бўйича миллат миқёсида жиддий муаммолар пайдо бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Туберкулёз билан касалланган ҳайвонлар касаллик қўзғатувчи манба ҳисобланади. Касалланган чўчқа, қўй, эчки, йилқи, ит ва мушуклар баъзан юқорида кўрсатилган турлар учун касаллик қўзғатувчи манба ролини ўтайди. Касал ҳайвон организмида туберкулёз таёқчасининг вирулентлиги кучайиб, сийдик, гўнг, сут, сперма орқали ташқи муҳитга тарқалади. Касалликнинг хавfli томони шундаки, унинг клиник белгилари намён бўлмасданок сурункали, узок муддат кечганлиги сабабли, яширин давридаёқ ташқи муҳитга туберкулёз таёқчасини ажратиб чиқара бошлайди. Касал ҳайвонлар йўталганида шилимшиқ, суюқлик билан ташқи муҳитга кўп миқдорда микобактериялар тушиб, девор, охур, панжара ва ҳар хил ташқи муҳит предметларни ифлослантириши баён қилинган.

“Қорамоллар туберкуёзида алергик реакцияларни фарқлаш муаммолари” деб номланган иккинчи қисмида Жаҳон ветеринария амалиётида туберкулёз юққан ҳайвонлар туберкулин препарати ёрдамида аниқланиши, туберкулин препаратини ҳайвонларга юборишнинг бир неча хил усул ва услублари – тери орасига, офтальмосинама, пальпебрал-қовоғига, вена ичига, қулоқ учига каби инъекция ва томизиш услублари мавжудлиги, қорамоллар, чўчқалар ва паррандаларда симультан текширишни қўллаш аллергия махсуслигининг тур бўйича мутаносиблигига асосланган бўлиб,

хайвонлар ва паррандаларда сенсibiliзация чақирган ва микобактериялар тури ёки авлоди жихатидан бир-бирига яқин микобактерияларга интенсив жавоб реакцияси бериши ва хайвоннинг умумий физиологик ҳолати ва организмни қайси тур микобактериялар билан зарарланганлигига аллергик жавоб реакцияси билан ифодаланиши кўрсатилган.

“Одам ва хайвонлар туберкулёзи патогенлигининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган учинчи қисмида туберкулёзни потенциал ташувчи инфекцияга чалинган қорамоллар йирик фермаларга, фермер ҳамда аҳоли қарамоғидаги моллар орасига қўшилиб қолиши, чорвачилик хўжалигида биринчи марта туберкулёз 25 фоиздан кўп касал мол аниқланганда, фермадаги моллар 100% бартараф қилиниши, касалликнинг ижтимоий хавф туғдириши, айниқса сигир сути билан таъминланадиган болалар боғчаларида тарбияланувчи ёш болалар саломатлигига хавф солиниши таъкидланган. Одамлар ва хайвонлар организмга патоген туберкулёз микобактериялари, асосан, нафас йўллари орқали кириши, микобактериялар бошқа микробларга нисбатан ташқи муҳитнинг турли таъсирларига жуда чидамли эканлиги, ўзининг яшаш ва кўпайиш хусусиятларини узоқ муддат давомида сақлаб қолиши, ташқи муҳитга тарқалиб жиддий ижтимоий ва иқтисодий муаммолар пайдо қилиши баён этилган.

“Қорамоллар туберкулёзининг кимёпрофилактикаси” деб номланган тўртинчи қисмида туберкулёзга қарши амалдаги курашиш йўриқномасига мувофиқ касаллик аниқланган сут маҳсулот фермаларида режа асосида аллергик текширишларда ҳар бир туберкулинизацияда (2-3 ой оралиқ билан) ижобий реакция берган қорамоллар гўштга топшириш йўли билан бартараф қилиб борилиши, бундай жараён узоқ давом этиши мумкинлиги ва бу даврда кўплаб насли ва маҳсулдор қорамолларни сўйилиб кетишига олиб келар экан. Подада қолган шартли соғлом қорамоллар организми эса муҳофаза қилинмайди. Шунинг учун бу жабҳада шартли соғлом мол организмни кимёпрофилактика услуги қўллаш орқали ҳимоя қилиш ёрдамида фермада қорамол бош сонини сақлаб қолишнинг имкониятлари ёритилган. Бу борада *M.bovis* ва *M.tuberculosis* турлари аниқланган фермалардаги шартли соғлом хайвонларни кимёпрофилактика услуги қўллаш ёрдамида касалликдан асраб қолиш мумкинлиги таъкидланган. Қорамоллар туберкулёзини кимёпрофилактика қилиш услуги бўйича кўпгина давлатлар олимлари томонидан туберкулоstatic препаратлар комбинациясидан тузилган турли хил кимёпрофилактик воситалар ва қўллаш услублари яратилганлиги, ушбу услубларни жорий этилиши натижасида туберкулёз бўйича носоғлом фермалардаги кўплаб насли ва маҳсулдор қорамолларни касалликдан профилактика қилинганлиги ҳақида баён қилинган.

Диссертациянинг “**Хусусий тадқиқотлар**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар материаллари ва услублари, тадқиқот жойи, объекти ва услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот ишлари 2020-2024 йиллар давомида ВИТИ туберкулёз лабораторияси базасида ва ишлаб

чиқариш шароитидаги татбиқ этиш тадбирлари Тошкент вилояти Тошкент тумани “Mehnat baxtli sut” МЧЖ сут товар фермасида ўтказилганлиги (Шартнома №30, 14 март 2023 йил) келтирилган. Туберкулёз штаммлари бўйича бактериологик тадқиқотлар Самарқанд вилоят фтизиатрия ва пульмонология марказининг Минтақаларо бактериологик лабораторияси билан ҳамкорликда ўтказилган (А.Т.Тўхлиев).

Чорвачилик хўжаликларида қорамоллар туберкулёзи бўйича эпизоотик вазият таҳлили хўжалик юритиш технологиясини ҳисобга олган ҳолда ветеринария статистик ва хусусий тадқиқотлар натижалари бўйича таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “**Тадқиқотларнинг натижалари**” деб номланган учинчи боби 5 параграфдан иборат бўлиб, 1-параграфи 3 қисмдан иборат бўлиб, Рифизостреп препаратининг стериллиги, токсик хусусияти ва безарарлигини *in vitro* услуб билан тадқиқ қилишга бағишланган. Рифизостреп препаратининг стериллигини аниқлаш учун сунъий электив гўшт-пептон агар (5-6 см²) ва гўшт пептон бульонли (100 см²) озиқа муҳитларига 5 тадан намунага 1-1,5 см² миқдорда экилган ва термостатда +37⁰С ҳароратда 10 кун давомида инкубацияда сақланган. Тадқиқотлар натижаларига кўра, инкубация даврида озиқа муҳитларига экилган препарат намуналарида ёт микрофлора ўсмаган ва препаратнинг стерил эканлиги аниқланган. Рифизостреп препаратининг токсик таъсири 6 бош денгиз чўчқаси ва 6 бош қуёнлар организмида синовдан ўтказилган. Бунинг учун Рифизостреп препарати 10 кун давомида тажриба ҳайвонларига 5 марта 1,0-2,0% дозада тирик вазнига кўра, тери остидан инъекция қилинган. Тажриба ҳайвонлари 10 кун давомида кузатувда сақланган (1-жадвал).

1-жадвал

Денгиз чўчқалари ва қуёнлар организмига Рифизостреп препаратининг токсик таъсири.

№	Ҳайвон тури	Бош сони	Препарат дозаси, %	Кузатув муддати, кун	Патолгоанатомик текшириш натижаси
1	Денгиз чўчқаси	3	1	10	Патологик ўзгариш йўқ
2	Денгиз чўчқаси, қиёсий назорат	3	2	10	Патологик ўзгариш йўқ
3	Қуён	3	1	10	Патологик ўзгариш йўқ
4	Қуён, қиёсий назорат	3	2	10	Патологик ўзгариш йўқ

Кузатув муддати тугагач, тажриба ҳайвонлари патологоанатомик ёриб текширилган. Текшириш натижасида препаратнинг ҳайвон организмига токсик таъсири аниқланмаган. Рифизостреп препаратининг безарарлиги 3 бош денгиз чўчқаси организмида текширилган. 1:10 нисбатда суюлтирилган Рифизостреп препаратидан 1,0 мл олиниб ҳар 10 кун оралиғи билан 3 бош денгиз чўчқасига 3 марта тери остидан юборилган. Препарат юборилган ҳайвонлар 42-45 кун кузатувда сақланган. Кузатув муддати тугагач денгиз чўчқалари патологоанатомик ёрилган ва ички аъзоларида, жумладан ўпка,

юрак, жигар, талок, буйраклар, ошқозон ичак тракти ва препарат инъекция қилинган жойида патологик ўзгариш ҳосил бўлмаганлиги кузатилган. Тадқиқотлар натижаларига кўра, Рифизостреп препаратининг стериллиги, тажриба ҳайвонлари организми учун токсик таъсирга эга эмаслиги ва безарар эканлиги аниқланган.

Билвосита услубда *in vitro* Рифизостреп препаратининг туберкулёз кўзгатувчиларига таъсирини аниқлаш учун Левенштейн-Йенсен озиқа муҳитига *M.bovis* №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штамлари пробиркаларга экилган ва +37⁰С ҳароратда термостатда 14-20 кун давомида ўстирилган. “Рифизостреп” препаратидан 1,0% эритма стерил дистилланган сувда тайёрланиб, бокс шароитида 1,0% препарат сақловчи 4 қатор пробиркага *M.bovis* №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штамларидан 1 бактериал таёкча миқдорида бактериал масса қўшилган. Штаммлар 2 соат, 4 соат 24 соат ва 48 соат +37⁰ С ҳароратда термостатда инкубацияда сақланган. Инкубация даври тугагандан сўнг штаммлар колониялари центрифуга пробиркаларига кўчирилган ва Гон-Левенштейн-Сумиоши услубида ишлов берилган. Центрифуга ёрдамида препарат қолдиқларидан ювиб олинган штаммлар колониялари Левенштейн Йенсен озиқа муҳитига экилган. Экилган пробиркалар +37⁰ С ҳароратли термостатга жойлаштирилган. Натижада 1,0% препарат концентрациясида 2; 4; 24 ва 48 соат инкубация даврида озиқа муҳитида *M.bovis* №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штамлари ўсмаганлиги ва 1,0% препарат концентрацияси штаммларга етарли даражада бактерицид таъсир кўрсатган. Назорат сифатида препарат билан ишлов берилмасдан озиқа муҳитларига экилган *M.bovis* №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штамлари соф ҳолда типик туберкулёз колонияларини ҳосил қилган. Рифизостреп препарати *M.bovis* №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штамларига 1,0% препарат концентрациясида ижобий бактерицид таъсир кўрсатганлиги аниқланган.

Бевосита услубда *in vitro* Рифизостреп препаратининг туберкулёз кўзгатувчиларига таъсирини аниқлаш учун препаратнинг 1,0% эритмаси дистилланган сувда стерил шароитда боксда тайёрланиб, Левенштейн-Йенсен озиқа муҳитига қўшиб аралаштирилган. Аралашмадан 5 мл дан олиниб пробиркаларга қуйилган ва пробирка оғзи доқа тампон билан беркитилган. Тайёр бўлган озиқа муҳитига бокс шароитида *M.bovis* №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штамлари экилган. Назорат сифатида *M.bovis* №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штамлари препарат қўшилмаган Левенштейн-Йенсен озиқа муҳитига экилган ва 90 кун кузатув олиб борилган. Препарат қўшилган пробиркаларда туберкулёз колониялари ўсмаган, назорат сифатида препарат қўшилмасдан экилган пробиркаларда 14-19 кун ўтгач майда шудрингсимон шаклда типик туберкулёз колониялари жадал ўсиб чиққан. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида Рифизостреп препарати *in vitro* услубда фаол антимикроб таъсирга эга эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг “Денгиз чўчқалари организмида Рифизостреп препаратининг туберкулёз кўзгатувчиларига қарши кимёпрофилактик

самарадорлигини аниқлаш” деб номланган учинчи бобнинг иккинчи параграфида 27 бош денгиз чўчкалари вирулент туберкулёз микобактерияларининг *M.bovis* №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штамлари билан сон териси остидан 0,03 мг/кг дозада (3 каррали юктириш дозаси) юктирилган. Туберкулёз юктирилгандан сўнг 25 кун ўтгач I-III тажриба гуруҳидагиларга Рифизостреп препарати ҳар 5 кун оралиғи билан сон териси остидан инъекция қилиб борилган. 3 бошдан иборат II ва IV гуруҳ денгиз чўчкаларига назорат гуруҳи сифатида туберкулёз юктирилгандан сўнг препарат берилмаган. Рифизостреп препаратининг бактерицид фаоллигини қиёсий солиштириш учун V гуруҳдаги 3 бош денгиз чўчкаларига *M.tuberculosis* №7880 штамми юктирилгандан сўнг Изониазид (ГИНК) препарати 10 мг/кг дозада оғиз орқали қўлланилган. Тажриба муддати тугагандан сўнг барча тажриба ва назорат гуруҳи ҳайвонлари диагностик ўлдирилган ва патологоанатомик текширилган. Патологоанатомик ёриш натижаларига кўра, *M.bovis* №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штамлари юктирилгандан сўнг 10 мг/кг дозада Рифизостреп препарати қўлланилган денгиз чўчкалари ички аъзоларида туберкулёз ривожланмаган (1-расм). *M.bovis* №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штамлари юктирилгандан сўнг препарат берилмаган **назорат гуруҳидаги** денгиз чўчкалари ички аъзоларида туберкулёзнинг ривожланган (генерализация) шакли ҳосил бўлганлиги аниқланган (2-расм).



1-расм. Туберкулёз кўзгатувчилари юктирилгандан сўнг Рифизостреп қабул қилган денгиз чўчкаси ички аъзолари.



2-расм. Назорат гуруҳидаги денгиз чўчкасининг ўпкаси.

Қиёсий солиштириш учун туберкулёз кўзгатувчилари юктирилгандан сўнг 10 мг/кг дозада Изониазид (ГИНК) препарати қўлланилган денгиз чўчкалари организмида туберкулёз қисман ривожланган.

Шундай қилиб, *in vitro* ва *in vivo* экспериментлар натижаларига кўра, янги яратилган “Рифизостреп” препарати вирулент туберкулёз микобактериялари кўзгатувчиларига қарши самарали антимиқроб таъсир кўрсатиши аниқланган.

Диссертациянинг **“Қуёнлар организмида Рифизостреп препаратининг туберкулёз кўзгатувчиларига қарши кимёпрофилактик самарадорлигини аниқлаш”** деб номланган учинчи бобнинг учинчи параграфида 28 бош қуёнларда препаратнинг махсус антибактериал фаоллиги тадқиқ қилинган. Рифизострепнинг касаллик кўзгатувчиларига нисбатан

фаоллиги тиббиётда қўлланиладиган изониазид препарати билан солиштирма равишда қиёсий ўрганилган. Тажрибани бошлашдан олдин барча қуёнлар туберкулёзга алергик услубда текширилган ва туберкулинга ижобий реакция аниқланмаган. Қуёнлар *M.bovis* №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штаммлари юктирилгандан сўнг 24 кун ўтгач тажриба гуруҳидаги ҳайвонлар 10 мг/кг дозада Рифизостреп препарати билан сон териси остидан ҳар 5 кун интервали билан тажриба охиригача инъекция қилинган. Қиёсий гуруҳдаги (V-VI гуруҳлар) антибактериал самарадорликни солиштириш учун қўлланилган изониазид препарати ҳам худди шу услубда инъекция қилиб борилган. Тажриба муддати тугагандан сўнг (90 кун) тажриба ва назорат гуруҳидаги барча қуёнларни сўйиб, патологоанатомик ёриб текширилган.


Тадқиқотлар натижасига кўра, *M.bovis* №8-03 штамми билан юктирилгандан сўнг 10 мг/кг дозада Рифизостреп препарати қўлланилган қуёнлар организми вирулент туберкулёз қўзғатувчиларига қарши самарали антибактериал таъсир кўрсатган ва тажриба гуруҳидаги қуёнлар ички аъзоларида туберкулёзга хос ўзгаришлар кузатилмаган (3-расм).



3-расм. Туберкулёз юктирилгандан сўнг Рифизостреп қабул қилган қуёнлар ички аъзолари.



4-расм. Назорат гуруҳидаги қуёнлар ўпкаси.



5-расм. Назорат гуруҳидаги қуёнлар жигари.

M.bovis №8-03 ва *M.tuberculosis* №7880 штамлари юктирилгандан сўнг препарат берилмаган назорат гуруҳидаги қуёнлар ички аъзоларида туберкулёзнинг ривожланган (генерализация) шакли ҳосил бўлган (4-5-расмлар). Рифизостреп препаратининг антибактериал фаоллигини қиёсий солиштириш учун туберкулёз юктирилгандан сўнг 10 мг/кг дозада Изониазид (ГИНК) препарати қўлланилган қуёнлар организмда туберкулёз қисман ривожланганлиги аниқланди.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, туберкулёз штамларига қарши самарали антимиқроб таъсир кўрсатган янги комбинацияли Рифизостреп препарати қўллашнинг оптимал дозаси тирик вазни 3,5-4,0 кг бўлган 1 бош қуён учун 10 мг/кг, қўллаш интервали 5 кун ва давомийлиги 60-90 кунни ташкил қилди.

“Бузоқлар организмда Рифизостреп препаратининг туберкулёз кўзғатувчиларига қарши кимёпрофилактик самарадорлигини тадқиқ қилиш” номли учинчи бобнинг тўртинчи параграфида 10 бош бузоқда ўтказилган тажриба натижалари ҳақида сўз юритилган. Тажрибалар Тематик режа ва Иш дастурига мувофиқ институтнинг 28 феврал 2024 й. №9-и/ч сонли буйруғи асосида 9 нафар профессор олимлардан иборат комиссия иштирокида ўтказилган. Тажрибани бошлашдан олдин бузоқлар туберкулёзга аллергик туберкулинизация услубида текширилган ва бирорта бузоқда ППД туберкулинга ижобий реакция аниқланмаган. Тадқиқотлар учун соғлом бузоқлардан фойдаланилган. Комиссия аъзолари иштирокида тажриба учун 4 бошдан иборат 1-гуруҳ бузоқлари *M.bovis* №149, 3 бошдан иборат 2- ва 3- гуруҳ бузоқлари *M.tuberculosis* №7880 штамми билан чап томон бўйин соҳасига тери остидан 0,03 мг/кг (уч карра оширилган) дозада юктирилган. 1- ва 2-гуруҳ тажриба ҳайвонларига туберкулёз юктирилгандан сўнг 24 кун ўтгач услубий тавсияномага мувофиқ Рифизостреп препарати ҳар 10 кун оралиғида 1 мартадан бўйин соҳаси тери остидан инъекция қилиб борилган. Инъекция жойи: - чап томон бўйиннинг елка буғими олд томони соҳаси, ўнг томон бўйин ва тўшлик қисми. 3-гуруҳ – назорат гуруҳи бўлиб, туберкулёз юктирилгандан сўнг препарат қўлланилмаган. Тадқиқотлар бузоқларга туберкулёз юктирилгандан сўнг 6 ой давом этди. Тажриба давомида бузоқлар даврий равишда ППД туберкулин ёрдамида туберкулинизация қилиб борилди.

Тажрибадаги бузоқларга туберкулёз кўзғатувчиси юктирилгандан сўнг ҳар ойда бир мартадан 6 ой давомида туберкулинизация қилиб борилди. Ҳар бир текширишда туберкулёз юктирилган бузоқлар организми ППД туберкулин аллергенига яққол ижобий реакция кўрсатганлиги аниқланган. Мўтадил тери ва ППД туберкулин инъекция жойидаги фарқ 10,3±0.3 мм. ни ташкил қилди (2-жадвал).

Тадқиқотлар муддати тугагандан сўнг *M.bovis* №149 штамми юктирилган 1-тажриба гуруҳидан 2 бош, *M.tuberculosis* №7880 штамми юктирилган 2- ва 3- гуруҳ бузоқларининг барчаси кейинги патологоанатомик, бактериологик ва гистологик тадқиқотлар учун сўйилди.

Сўйилган бузоқларнинг ички аъзоларидан ўпка, юрак, жигар, буйраклар, талоқ, ошқозон ичак тракти, юқтириш жойи, жағ ости, халқум орти, елка олди, чот ораси, трахеал, бронхиал, ўрта девор, портал, мезентериал лимфа тугунлари патологоанатомик текширилди.

2-жадвал


Туберкулёз юқтирилган бузоқларни ППД туберкулин билан симультан услубда аллергик услубда текшириш натижалари

Т/р	Инв №	Жинси	ВИТИ-Биовет ППД туберкулин (бўйнининг ўнг томонига инекция килинган)				ВИТИ- ППД туберкулин (бўйнининг чап томонига инекция килинган)			
			Нормал тери қалинлиги, мм	72 соатдан сўнг, мм	Фарқи, мм	Натижа	Нормал тери қалинлиги, мм	72 соатдан сўнг, мм	Фарқи,мм	Натижа
1	0172	урғ.	8	18	10	ижобий	8	17	9	ижобий
2	0900	урғ.	7	16	9	ижобий	7	13	6	ижобий
3	0882	урғ.	7	20	13	ижобий	7	20	13	ижобий
4	0171	урғ.	7	13	6	ижобий	7	12	5	ижобий
5	0881	урғ.	5	13	8	ижобий	5	11	6	ижобий
6	0899	урғ.	7	13	6	ижобий	7	12	5	ижобий
7	0174	урғ.	8	21	13	ижобий	8	15	7	ижобий
8	0173	урғ.	7	22	15	ижобий	7	18	11	ижобий
9	0883	урғ.	7	20	13	ижобий	7	20	13	ижобий
10	0175	урғ.	7	17	10	ижобий	7	12	5	ижобий

Патологоанатомик текширилган 1-2 гуруҳ бузоқлар ички аъзоларида туберкулёзга хос ўзгаришлар топилмади. Фақатгина туберкулёз қўзғатувчиси юқтирилган жойида, тери остида кам сонли оч-сарғиш рангли юқтириш материалнинг қолдиқлари мавжуд бўлиб, кесиб кўрилганда диаметри 1,0-1,5 см. бир неча дона юқтириш материали қолдиқларининг ўчоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг бир қисмида қаймоқсимон оқ-сарғиш рангли йиринг ҳосил бўлганлиги аниқланди.

